2013 ЙИЛ 3 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (12.399)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




## КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ҳамда қурилиш саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтмоқда.***

Мамлакатимизда тармоқ ва тармоқлараро кооперация алоқалари мустаҳкамланаётгани эътиборга лойиқдир. Ташкил этилаётган саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг рағбатлантириш имконини бермоқда.

Ушбу ярмарка ва биржанинг очилиш маросимида айнан шу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Қайд этилганидек, тадбирларда иштирок этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан йилга кўпаймоқда. Шунингдек, тузилаётган келишувлар ҳажми ошмоқда. Ўтган йилда коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ҳамда қурилиш саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида умумий қиймати 49,1 миллиард сўмлик 31 шартнома имзолагани бунга мисолдир.

Жорий йилги биржада бир юз ўндан ортиқ йирик ишлаб чиқарувчи корхона, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этаётир. Тайёр ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши мўлжалланаётган бир қатор янги маҳсулотларни намойиш этаётган «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси,«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами йилдан йилга кенгаймоқда. Бу жараёнда қурилиш материалларига бўлган талабнинг ошиши табиий. Бугунги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланганининг боиси ҳам шунда. 2012 йилда бу борада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 800 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу муваффақиятларда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Ярмаркада соҳа вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётган – гипскартон, ғовакли пластмасса, қуруқ қурилиш аралашмалари, сунъий безак тошлари каби қурилиш маҳсулотлари ўз аксини топган.

Мазкур кўргазма иштирокчиларга ўз маҳсулотларини намойиш этиш, техник янгиликлар, бир-бирига яқин тармоқ ва корхоналарнинг эришаётган ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини бермоқда.

Кўргазманинг биринчи кунида «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлари намойиш этилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

***Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонасида «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мавзуига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

## «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ИТАЛИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Италиянинг вазирлик ва идоралари вакиллари, маҳаллий эксперт ва журналистлар иштирокида ўтган мазкур тадбирда Ўзбекистон замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилди. Унда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш, бандлик даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Брифинг қатнашчилари томонидан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим йўналишларини қамраб олувчи ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар ва кенг қамровли чора-тадбирларга юқори баҳо берилди.

**Геосиёсий тадқиқотлар ва амалий фанлар институтининг илмий ходими Д. Читати** Ўзбекистонда ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши ва давлат томонидан унга мос муайян дастур қабул қилиниши тажрибаси ажойиб анъана эканлигини, бу эса бошқа давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини эътироф этди. «Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг юқори ўсиш кўрсаткичлари, аҳоли даромадларининг изчил ўсиб бориши, жамиятда миллатлар ва элатлараро тотувликнинг барқарорлиги амалга оширилаётган бундай дастурларнинг самарадорлигидан далолат беради», деди у.

**Сув масалалари ва атроф-муҳит бўйича эксперт С. Качёла** Ўзбекистонда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган мазкур Давлат дастури ҳукуматнинг мамлакат ва аҳоли фаровонлиги, унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилаётганидан яққол далолат беришини айтди.

— Республикада аҳолининг турмуш даражасини ошириш, қишлоқ ҳудудларини ҳар томонлама ривожлантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳолдир, — деди у. — Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси мамлакатнинг бундан-да ривож топишига пухта замин яратади.

— Ўзбекистон бўйлаб бир неча маротаба сафарда бўлганим чоғларида мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга шахсан гувоҳ бўлганман, — дейди **Artur Trading компаниясининг президенти Л. Маджи.** — Аҳоли ҳаётининг сифати ва турмуш даражасини юксалтириш, тинчлик ва тотувликни таъминлашга қаратилган мажмуавий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилишини кўзда тутадиган «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан кўзланган мақсад олий эканлиги катта эътиборга сазоворидир. Халқ фаровонлиги ва мамлакат гуллаб-яшнаши йўлидаги бундай эзгу саъй-ҳаракатлар демократик ислоҳотлар асоси янада мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА**
**Рим**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Бухоро шаҳрида вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан Президентимизнинг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойиши ижросига бағишланган «Тадбиркорга таянчимиз» мавзуида анжуман ташкил этилди.**
- **Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида китобхон оилалар ўртасида интеллектуал мусобақа ўтказилди. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Обод турмуш йилига бағишлаб «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда энг фаол китобхон оилалар иштирок этди.**
- **Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида фермерлар кенгашлари фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.**
- **Жиззах шаҳрида 9 миллиард 660 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилганидан сўнг юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохонада жонлантириш, ультратовуш ташхиси, лаборатория, дорихона ва бошқа бўлимлар фаолият юритмоқда.**

### ЖАҲОНДА

- **Еврокомиссия Литвадан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ёрдам тариқасида берилган ва белгиланган мақсад бўйича фойдаланилмаган 3,449 миллион еврони қайтаришни сўради. Гап шундаки, Европа аудит текшируви жараёнида Қишлоқларни ривожлантириш дастури доирасида Литвага берилган маблағни тақсимлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.**
- **Кеча Сербия пойтахти Белград шаҳридаги туннелда Белград—Нови-Сад йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поезд пойтахтдан Шид шаҳрига йўл олган таркиб билан ўзаро тўқнашиб кетди. Икки йўловчи поездининг тўқнашуви натижасида кўплаб йўловчилар жабрланди.**
- **Мьянма президенти Тейн Сейн АҚШга расмий ташриф билан келиб мамлакат президенти Барак Обама билан учрашиш юзасидан келишиб олди. Мьянма етакчисининг кейинги ярим аср давомидаги АҚШга илк ташрифининг 20 ёки 21 май кунлари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.**
- **Жанубий Кореянинг «Хундай» компанияси ва унинг «Киа» шўъба корхонаси АҚШдаги 1,8 миллион дона автомобилини қайтариб оладиган бўлди. Сабаби, ана шу машиналарда иккита нуқсон аниқланган. Яъни, 2011 йилдан 2013 йилгача ишлаб чиқарилган «Хундай элантра» автомобилларида ён томондаги хавфсизлик ёстиқчалари йўловчиларга зарар етказган. Иккинчиси, транспорт тизими электрон тизимидаги муаммолар туфайли стоп сигнали бутунлай ишламай қолиши мумкин.**

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Инсонни ардоқлаш – азиз қадрият» мавзуида маърифий тадбир ўтказилди.***

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

## ИНСОННИ АРДОҚЛАШ — АЗИЗ ҚАДРИЯТ

Тадбирга фан, таълим, адабиёт ва санъат соҳаларида узоқ йиллар меҳнат қилган нуроний онахонлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари, иқтидорли қизлар таклиф этилди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатлари таъминланаётгани, нуронийларимизнинг эл-юрт равнақи йўлидаги хизматлари муносиб қадрланаётгани таъкидланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш вазифалари белгиланган. Бу борада жамоат ташкилотлари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг ўзаро ҳамкорлиги, нуроний отахон ва онахонларнинг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланилаётгани юксак самаралар бермоқда.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида нуроний онахонлар, меҳнат фахрийлари учун маърифий тадбирлар, концерт дастурлари, учрашувлар мунтазам тарзда ўтказилмоқда. Таълим масканларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги аъзолари уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга уй юмушларида кўмаклашмоқда.

– Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова. – Кексалари иззат-ҳурматда, ёшлари доимий эътиборда бўлган диёримиздаги фаровонлик ва тинч ва осуда кунларга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Тадбирда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилган ёши улуғ онахонлар, ишчи ва хизматчи аёллар, эҳтиёжманд оилалар вакилларига эсдалик совғалари, санаторийда дам олиш учун имтиёзли йўлланмалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича «Санъатим сенга, обод юртим» номли кўрик-танлов бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** шаҳримиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Мутахассислик сайли» лойиҳаси бўйича тадбирлар ниҳоясига етади.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой халқаро ҳаракати ташкил этилганлигининг 150 йиллигига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Қарор ва ижро

# БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралда қабул қилинган «Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида йигит-қизларнинг зарур мутахассисликларни, танлаган йўналишига оид назарий билимларни пухта эгаллаши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиш орқали амалий кўникмаларни ҳосил қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.***

– Ўқишнинг иккинчи босқичида ўқувчилар амалий машғулотларини коллежимиз билан ҳамкорлик қилаётган корхоналарда, банк ва бошқа муассасаларда ўтамоқда, – дейди Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи директори Рашид Махаматов. – Бу уларнинг иш муҳитига мослашиши ва бўлажак ҳамкасбларидан тажриба ўрганишига ёрдам беради, айни пайтда ўз соҳасида сезиларли ютуқларни қўлга киритишга иштиёқ уйғотади.

Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун иш топиш муаммоси йўқ. Мазкур билим даргоҳига бир неча йирик корхоналар бириктирилган бўлиб, улар иш ўринлари ва битирувчилар учун касб маҳоратини ошириш имкониятини яратишмоқда. Айни вақтда Тошкент метрополитени, Учтепа ва Чилонзор туманлари солиқ инспекциялари, шунингдек, коллеж билан ҳамкорлик қилаётган бошқа муассасалар ҳам бўш иш ўринларини тақдим этмоқда. Улар орасида «Метроқурилиш», «Тошкент-Лада» қўшма корхонаси, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги корхоналар, «Халқ банки» очиқ акциядорлик тижорат банки ва бошқа муассасалар бор. Бу йил коллежнинг 440 нафар битирувчисидан 412 нафари билан ишга жойлашиш тўғрисидаги уч томонлама шартномалар тузилди.

Коллежда ўқувчилар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланган ўқув режалари бўйича уч йил ўқитилади. Бу ерда таҳсил олаётган бир минг икки юз нафар ўқувчи метро электр поездларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, метро бекати ва бекат хўжаликларига хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, компьютер ва компьютер тармоқлари ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, автомобилда юк ташишни ташкил этиш, бошқариш ҳамда солиқ тизими йўналишида сабоқ олаётир.

2001 йил майидан Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи сифатида фаолият кўрсатаётган билим даргоҳи 2002 йилнинг сентябрида янги қурилган бинога эга бўлди. Таълим муассасасида юқори малакали мутахассисларни ўқитиш учун барча шарт-шароитлар, биринчи навбатда – кучли моддий-техника базаси яратилган. Коллежнинг кимё, физика, информатика, рус тили, электротехника, автомобилга хизмат кўрсатиш каби фан хоналари тўлиқ замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Ушбу фан хоналари компьютер, мультимедиа, лингафон, телевизор, кадоскоп билан жиҳозланган. Кимё, физика, биология, электротехника фанларининг ўқув-лаборатория хоналари алоҳида бўлиб, ушбу лаборатория хоналарида амалий машғулотлар олиб борилади. Шунингдек, дарслик ва адабиётлардан иборат китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ҳам бор. Коллеж ўзининг «тренажер» залига эга. Унда ўқувчилар турли спорт машғулотлари билан шуғулланиб, соғлиқларини тиклайдилар. Коллеж бугунги кунда ўзининг футбол, баскетбол, волейбол майдонлари ва теннис кортига эга бўлиб, бу ерда турли спорт мусобақалари ўтказилади.

Коллеж педагоглар жамоаси билан ҳақли равишда фахрланади. Зеро, Тошкент Транспорт институти, Автомобиль йўллари институти ўқитувчилари шартнома асосида коллеж ўқувчиларига мутахассислик фанларидан дарс берадилар. Устозларнинг билим ва малакаларини янада ошириш, уларнинг изланишларини тақдирлаш мақсадида «Энг яхши маъруза матни», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» каби кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланади.

Коллеждаги ўқув лабораториялари ҳам ўқувчиларга танлаган касби сир-асрорларини пухта эгаллашга ёрдам берадиган электрон стендлар билан жиҳозланган. Бунда ҳар бир ўқувчи мустақил ишлашни бошлашдан аввал техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар олади. Бундан ташқари уларга жамоада ишлаш кўникмалари ҳам ўргатилади. Яратилган шароитлар туфайли ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари юксалиб, улар ҳаракатдаги стенд, макет лойиҳаларини ўз қўллари билан ясашмоқда. Ушбу макетлар коллеж моддий-техника базасини бойитиш билан бирга ўқув кўргазмали қуроллари сифатида назарий ва амалиёт дарсларида кенг қўлланилмоқда. Бу эса келажакда ёшларга катта фойда бериши шубҳасиз.

Коллежнинг ягона услубий режаси — янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш борасида қатор юмушлар бажарилмоқда. Хусусан, чет тилларни ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари иқтидорли ўқувчиларни излаш ва аниқлаш мақсадида мунтазам равишда фан олимпиадалари ўтказилмоқда. Олимпиада ғолибларидан тузилган иқтидорли ўқувчилар иштирокида «Заковат» ва «Билимдонлар баҳси», рус гуруҳларида «Брейн ринг», «Заиф бўғин» каби қизиқарли ўйинлар ташкил этилади.

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда, иқтисодиётнинг реал секторлари, шунингдек, кичик бизнесни малакали, яхши тайёрланган, замонавий билимларга эга ҳамда ишга ижодий ёндашадиган ташаббускор кадрлар билан таъминлашга ёрдам бермоқда. Бу йил коллежларни тамомлаган битирувчилар, шубҳасиз, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида муносиб ўрин эгаллайди. Бу эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш юксак савияда ташкил этилаётганидан далолатдир.

**Зиёда ВОҲИДОВА**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Аскар Ёкубов (ЎзА) олган сурат

# ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва меҳнат фахрийлари билан 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига бир марталик пул мукофоти белгиланди. Мамлакатимизда ушбу сана муносабати билан кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда.

Фахрийлар билан бундай учрашувлар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш, авлодлар ўртасидаги муносабат ва ворисийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фахрийлар шахсий ҳаёти ва ўтган оғир кунлардан мисоллар келтириб, ёшларга бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳамда ҳимоя қилиш қанчалик муҳим эканини таъкидлайдилар.

– Тиббий маълумотга эга бўлганим боис фронтда фельдшерлик қилдим, – дейди Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Олимжон Алимов. – Урушдан сўнг ҳам узоқ йиллар шифокор бўлиб ишладим.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Республикамизда сўнгги йилларда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда юзага келадиган вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган «2013 йилда сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар» мавзусидаги анжуман ҳам юқоридаги масалаларга бағишланди.***

Тадбир қатнашчилари жорий йилда «Ўзгидромет» маркази, Геология ва минерал ресурслари Давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари ҳамкорлигида республиканинг Тошкент, Наманган ва Қашқадарё вилоятларининг баланд тоғли ҳудудларида йиғилиб қолган қор захираларини аниқлаш, баланд тоғдаги кўлларнинг ҳолатини баҳолаш ҳамда қор кўчкиси ва сел хавфи мавжуд ҳудудларнинг доимий мониторинги юзасидан амалга оширилган кузатувлар натижалари билан танишдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, баҳор-ёз мавсумида сел оқимлари ва сув тошқинларини талафотсиз ўтказиб юбориш, юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида тезкор штаблар ташкил этилиб, улар алоқа ҳамда автотранспорт воситалари билан таъминланиб, туну кун навбатчилик ташкил этилди.

Бугунги кунда аҳоли ва ҳудудларни сел ва сув тошқинларидан ҳимоя қилишдаги асосий тадбирлардан бири, бу – селхона ва сел йўлларининг сел оқимларини тўлақонли ўтказувчанлик ҳолатини таъминлашдир. Шу мақсадда республика ҳудудидаги 54та сув омборлари, селхона ва сел йўлларининг сел оқимларини қабул қилиш ҳамда хавф-хатарсиз ўтказиб юборишга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди.

Фуқаро муҳофазаси институтида ўтган 2013 йилнинг 4 ойи мобайнида ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказлари томонидан 14 минг 558 нафар турли тоифадаги раҳбарлар қайта тайёргарликдан ўтказилди. Шунингдек, ҳисобот даврида ўтказилган 18та қўмондонлик-штаб ўқув машқларида 74057 нафар раҳбар ходимлар ва аҳоли табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда мутаносиб ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтказилди. Анжуманда шу ва бошқа масалалар юзасидан батафсил маълумот берилиб, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

***Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Патент ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома тизими бўйича миллий семинар ўтказилди.***

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Тадбирда Патент ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома бўйича бир нечта алоҳида миллий талабномалар топшириш ўрнига шартномага аъзо давлатларда энг қулай ва фойдали усул орқали битта халқаро патент талабномасини топшириш орқали ихтирони патентлашни амалга ошириш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти аъзоси сифатида Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига Баённома, Товарлар ва хизматларнинг халқаро классификацияси тўғрисида Ницца битими, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими каби кўплаб халқаро шартнома ва битимлар қатнашчиси ва фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Семинарда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий уюшмасидаги муваффақиятли иштироки ҳамда хорижий мамлакатлар билан доимий ҳамкорлиги мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш билан бирга, иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги халқаро ҳамкорлик имкониятларини ҳам изчил ривожлантираётгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили ҳамда Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлиги ходимлари томонидан халқаро талабномалар тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш масалалари, халқаро қидирув, дастлабки халқаро экспертиза, талабноманинг электрон тарзда узатилиши, талабнома топширувчилар учун хизматлар ҳамда ташкилот бўйича ахборот ресурслари ҳақида батафсил маълумот берилди. Халқаро патент тизими ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти хизматлари тўғрисидаги кўникмалар ва битимларни ошириш нафақат Агентлик экспертлари учун, балки ихтирочилар, тадқиқотчилар, ҳуқуқшунослар, патент вакиллари ҳамда хорижий патентлаш масалалари билан шуғулланувчи барча манфаатдор шахслар учун долзарб эканлиги алоҳида эътироф этилди.

**Ғанишер ТОҲИРОВ,**
**«Туркистон пресс»**

# ПЕКИНДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

***Яқинда Хитойдаги Миллий кўргазмалар марказида «China Outbound Travel & Tourism Market» («COTTM-2013») халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмагида ўтказилган мазкур анъанавий тадбирда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан келган сайёҳлик фирма ва компанияларининг вакиллари қатнашдилар.***

«COTTM-2013» кўргазмаси доирасида мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги бой салоҳияти Ўзбекистон Республикасининг Хитойдаги дипломатия миссияси билан ҳамкорликда «OrexCa» сайёҳлик компанияси томонидан тақдим этилди. Кўргазма меҳмонлари юртимиз заминидаги кўплаб бетакрор тарихий осори-атиқалар, халқимизнинг кўҳна тарихи ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган ранг-баранг ҳамда ўзига хос анъаналари тўғрисидаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар. Тадбир чоғида намойиш этилган ҳужжатли фильмлар ва халқ амалий санъати намуналари «COTTM-2013» меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизнинг мазкур соҳадаги имкониятлари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, «China Sport Travel» сайёҳлик компаниясининг вакили Ли Чжан бетакрор ва ранг-баранг табиатига, қулай иқлим шароитлари ва бир-биридан гўзал қадимий шаҳарларига эга бўлган Ўзбекистон хитойлик сайёҳларни ўзига доимо оҳанрабодай тортишини эътироф этди.

– Ўзбекистон вакилларининг «COTTM-2013» кўргазмасидаги иштироки мамлакатингизнинг бой сайёҳлик салоҳияти билан батафсил танишиш учун қулай имкониятдир, – деди у. – Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда, жумладан, сайёҳлик жабҳасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини ҳар томонлама такомиллаштириш ва модернизациялаш йўлида амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли юртингизнинг халқаро туризм бозоридаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалиб бораётир.

**«Жаҳон» АА**
**Пекин**

# МУНОЗАРАГА БОЙ ДАВРА СУҲБАТИ

***БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети билан ҳамкорликда «Табиий офатлар ҳамда уларнинг талафотлари» мавзуида конференция ташкил этилди.***

Унда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этишди.

– Табиий офатлар нафақат давлатлар иқтисодиётига, балки инсон ҳаётига ҳам катта хавф туғдиради, – дейди БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича маслаҳатчиси, доктор Амир Али Хан. – Бугунги кунга келиб талафотлар натижасида қанча-қанча давлатлар азият чекмоқда. Энг ачинарли томони шундаки, кўпчилик инсонлар бундай вазиятда қандай чора кўриш лозим эканлигидан бехабар қолишмоқда. Табиий офатлар содир бўлган пайтда хавотирга тушмасликни инсонларга ўргатиш лозим. Ўйлайманки конференция давомида талабалар табиий офатлар содир бўлган пайтда қандай чоралар кўриш кераклиги, жаҳон тарихида бўлиб ўтган энг талафотли офатлар, уларнинг ўсиш сабаблари ҳамда бошқа бир қатор долзарб масалалар ҳақида кўникма ҳосил қилишди.

– Барчамизга маълумки, 1966 йилда содир бўлган Тошкент зилзиласи оқибатида кўпгина бинолар вайрон бўлиб шаҳар кўринишига талафот етказилган, – дейди БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг ўқув дастурлари ва омма билан ишлаш бўйича мутахассиси Шаҳноза Икромова. –Зилзиладан сўнг вайрон бўлган уй-жойлар ўрнига янги бинолар қад кўтарди. Лекин «Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил», деганларидек биз бундай талафотлардан сақланиш чораларини ҳам билиб олишимиз лозим.

Инглиз тилида бўлиб ўтган ушбу йиғилишда талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди. Конференция сўнгида талабаларга ташкилотчилар томонидан махсус ўқув қўлланмалари тақдим этилиб, видеолавҳалар намойиш этилди.

**Ҳамида УСМОНОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

